

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Диншунослик ва жаҳон динларини
қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси
мудири “_____”

т.ф.н., доц. Д.Раҳимжонов

“_____” _____ 2014 йил

Мусамухамедова Мунира Жамолиддин қизи

Мавзу: ЖАҲОН ДИНЛАРИ МУҚАДДАС МАНБАЛАРИДА
БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАСИ

Таълим йўналиши: 5220400 – Диншунослик

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган
битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: кат. ўқитувчи С.Саиджалолов

Такризчи: т.ф.н., доц. Э.Ибрагимов

Тошкент-2014

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	9
1.1. Бағрикенглик тушунчасининг глобал аҳамият касб этиши	9
1.2. Ўзбекистонда бағрикенглик тамойилларининг кўриниши	15
II БОБ. ЖАҲОН ДИНЛАРИ МУҚАДДАС МАНБАЛАРИДА БАҒРИКЕНГЛИККА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ	25
2.1. Ислом дини муқаддас манбаларида бағрикенглик	25
2.2. Христианлик динида бағрикенглик масаласи	36
2.3. Буддавийлик динида бағрикенглик масаласининг талқини	45
ХУЛОСА	55
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	60

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақиллиги мамлакатимиз маънавий тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Собиқ совет давридаги динга нисбатан атеистик хужумкорлик билан ёндашувга барҳам берилди. Бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун Ер юзида диний бағрикенглик, конфессиялараро ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш асосий ҳаётий тамойилга айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар мамлакатларимизнинг бугуни ва эртанги куни учун динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги барчамизнинг саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини такрор ва такрор тасдиқламоқда”.

Дин инсоннинг руҳини поклаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат каби туйғуларни мустаҳкамлаш, миллий анъана ва қадриятларни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон фуқаролари учун том маънодаги виждон эркинлиги таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”. Диний муассасалар фаолиятининг қонун асосида олиб борилиши таъминланади. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда эса фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқ ҳамда бурчлари аниқ-равшан белгилаб қўйилди.

Истиқлол туфайли юртимизда инсониятни бағрикенглик, поклик ва меҳр-оқибатга чорловчи муқаддас динимизни асраб-авайлашга, ёш авлодни халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Диний таълим тизимини

такомиллаштириш, пухта билимга эга, соғлом фикрли мутахассисларни тайёрлаш доимий эътиборда. Кучли ривожланган жамият куриш вазифалари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни тақозо этди. Халқимиз томонидан ўтмишда яратилган маънавий кадриятларни эъзозлаб ислом динининг асл моҳиятининг англаши ва давр моҳиятини тушуниб, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик билан ягона мақсад йўлида фаол ҳаракат қилишларига замин яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда, йигирма биринчи аср бўсағасида, башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечириётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда”¹.

Мазкур хулоса диний бағрикенгликнинг халқимиз ўтмиши ҳамда ҳозирги ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини, шу билан бирга ватанимиз равнақи ва тинчлигини таъминлаш мақсадида бошқа дин вакиллариини муқаддас ҳисобланган манбаларини илмий-назарий таҳлил қилиш учун асос бўлади. Бугун дунё глобаллашув, иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнлари таъсирида тобора яхлит ва бир бутун характер касб этиб бормоқда. Капитал ва товарлар оқими билан бир қаторда, уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг ҳаракат доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу одамлар орасида ўзаро муросасизлик, тоқатсизлик кўринишларини бартараф қилиш, жамиятда бағрикенглик маданиятини қарор топтириш том маънода глобал, инсоният истиқболига дахлдор масалага айланганини кўрсатади. Ижтимоий тараққиёт мураккаб ва ўта зиддиятли характер касб этган бугунги кунда жамият ва фуқароларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш тажовузкорлик ва муросасизликнинг турли кўринишлари келиб чиқишига йўл қўймасликнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис бу мавзу бугунги кунда долзарблиги билан эътиборга молиқдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида дин билан боғлиқ масалаларга Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон овози. 2000йил 18 ноябрь

Президенти И.Каримов катта аҳамият бермоқда. Президентимиз асарларида бу мавзунинг турли жиҳатларини илмий ва амалий асослаган муҳим кўрсатмалар ҳамда хулосалар ўз ифодасини топган.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда диний омил, диний бағрикенгликнинг ўрни, аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳамда асосий тамойилларига бағишланган кўплаб китоб, рисола ва мақолалар эълон қилинмоқда. Улар орасида З.И.Мунавваров, А.А.Ҳасанов², А.Луқмонов, Ҳ.С.Кароматов, М.Нурутдинов, А.Азимов, М.А.Ражабова, М.Имомназаровнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин³. Шу билан бир қаторда, бағрикенгликнинг ижтимоий моҳияти, намоён бўлиш шакллари, жамият тараққиётини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларни тизимли таҳлил этган А. Очилдиев ҳамда диний бағрикенгликнинг мазмун моҳияти, унинг халқимизга хос тарихий анъаналари, замонавий жиҳатлари билан боғлиқ масалаларни таҳлил этган ҳолда З.Ҳуснидиновлар тадқиқотлар олиб борганлар⁴.

БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) мавжуд. Ушбу ташкилот томонидан ҳозирга қадар ишлаб чиқилган 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қаторида 1995 йил 16 ноябрда қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» алоҳида ўринга эга эканини таъкидлаш зарур. Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар акс этган.

Жаҳон динларидаги бағрикенглик масаласи бўйича бир қанча Ғарб диншунос, теолог олимлари китоблар ёзишган. Я.Нечор, Б. Ҳилтон⁵, П. Загорин⁶, Э.Б.Колмон, К.Вайт⁷ шулар жумласидандир.

² Қаранг: Ҳасанов А. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. -Т., 1998. - 128 б.

³ Қаранг: Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. -Т.: 2000. - 163 б.; Имомназаров М. Огоҳ бўлайлик. -Т.: Академия, 1999. - 162 б.

⁴ Қаранг: Очилдиев А. Бағрикенглик — барқарорлик ва тараққиёт омили. Т.: Тошкент ислом университети, 2007. - 124 б.; Ҳуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (Монография). -Т.: Тошкент ислом университети, 2006. - 164 б.

⁵ Қаранг: J. Nechour, B. Chilton. Religious tolerance in world religions.

⁶ Қаранг: Perez Zagorin. How the Idea of Religious toleration came to the West. Princeton University, Press

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишида илк бора Ўзбекистон мустақиллиги шароитида диний бағрикенгликнинг ўзига хос хусусиятлари, ислом, христианлик ҳамда буддавийликнинг муқаддас манбаларидаги бағрикенглик тамойиллари ва унинг аҳамияти илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Истиқлол йилларидаги Ўзбекистоннинг ривожланиш тажрибаси кўпмиллатли ва турли хил маданиятлар вакиллари истиқомат қиладиган ҳамда кўп конфессияли жамиятда нафақат динлараро тотувликка эришиш мумкинлиги, балки кўпконфессиявийлик – демократик ислохотлар ва бағрикенглик руҳини қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўла олади. Сабаби, “Бағрикенглик – инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм, демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятидир”⁸.

Дарҳақиқат, бир шахснинг диний эътиқоди ўзга динга, унинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, турли дин ҳамда конфессия вакиллари эътиқодида фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшашини англатади. Диний бағрикенглик тўла ижтимоий тенг ҳуқуқлилик, инсон эркинлигига нисбатан ҳурматдир.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади бағрикенгликнинг асл мазмуни ва ҳозирги даврдаги ижтимоий моҳиятини очиқ бериш, Ўзбекистон мустақиллиги шароитида мазкур омилнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий тамойиллари, ислом, христианлик ҳамда буддавийликнинг муқаддас манбаларидаги бағрикенглик тамойилларини ва унинг аҳамиятини илмий жиҳатдан тадқиқ этишдир.

Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилган:

- бағрикенглик тушунчасининг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш хусусиятларини илмий-назарий таҳлил этиш;

2003.

⁷ Қаранг: Elizabeth Burn Coleman, Kevin White. Religious Tolerance, Education and the Curriculum. Sense Publishers Rotterdam/Boston/Taipei.

⁸ Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.-Б.9.

- замонавий диншуносларнинг бағрикенглик борасидаги фикрларини ўрганиш;
- диний бағрикенгликнинг Ўрта Осиё халқлари ҳаёти хусусан, ўзбек халқи тараққиётидаги аҳамиятини тарихийлик ва замонавийлик тамойиллари асосида ўрганиш;
- диний бағрикенгликнинг ҳозирги давр учун аҳамиятини аниқлаш;
- Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитида ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда динлараро муносабатларнинг аҳоли маданий - маънавий ҳаётидаги ролини таҳлил этиш;
- ислом, христианлик ҳамда буддавийликнинг муқаддас манбаларида акс этган бағрикенглик тамойилларини таҳлил қилиш..

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти қуйидагича:

- Битирув малакавий ишида қайд қилинган мулоҳазалар бағрикенглик моҳияти ва ижтимоий роли, вазифалари ҳақидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштиради.
- Тадқиқот натижалари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида, жамият барқарорлигини таъминлашда диний бағрикенглик тамойилининг ўзига хос ўрнини янада яққолроқ кўрсатади.
- Мамлакатимизда сиёсий, маънавий, иқтисодий соҳалардаги туб ўзгаришлар учун замин яратиш ва бу ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий ҳаётда дин ва диний бағрикенгликнинг аҳамияти кучайиб бораётгани назарий жиҳатдан ёритилади.
- Жаҳон динларидаги бағрикенглик масаласини қиёсий ўрганиш орқали юртимизда истиқомат қилаётган ўша дин вакилларининг биргаликда тинч-тотув яшашларини кўрсата бера олишдир.

Битирув малакавий ишининг таркиби кириш, асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Асосий қисм икки боб, беш фаслга бўлинган. Биринчи боб “Глобаллашув даврида бағрикенглик тамойиллари” деб номланиб, унда бағрикенглик тушунчаси ва унинг бугунги

кундаги аҳамияти, Ўзбекистон Республикасида диний бағрикенглик масалалар ўрганилган. Иккинчи боб эса “Жаҳон динлари муқаддас манбаларида бағрикенглик масаласи” деб номланиб, унда ислом, христианлик ва буддавийлик динларидаги бағрикенглик масаласи тадқиқ этилган. Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида асосий қисмда келтирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилган, хулосалар берилган.

I БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Бағрикенглик тушунчасининг глобал аҳамият касб этиши

Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Ҳозирда тезкорлик, очиқлик, эркинлик тамойилларига асосланган интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бораётгани барча соҳаларнинг ривожланиши учун кенг имкониятларни вужудга келтирмоқда. Шунингдек, бир томондан, янги ташкил топган давлатларда миллий ва диний ўз-ўзини англаш жараёнлари кечаётган бўлса, иккинчи томондан, маданиятлараро ўзаро таъсир кучайиб, жамият соҳалари доирасида глобал яхлитлашиш тенденцияси вужудга келмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”⁹.

Маълумки, глобаллашувнинг вужудга келиши ҳақида турли-туман қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Уларнинг бирида глобаллашувда сиёсий омилнинг ўрнига алоҳида эътибор берилган бўлса¹⁰, бошқасида иқтисодий

⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 111.

¹⁰ Қаранг: Гаджиев К.С. Введение в геополитику. М.: ЛОГОС, 2000. С. 432.; Глобализация и моделирование социальной динамики. М.: Институт социальных наук, 2001. С. 237.; Крылова И.А. Проблема

жиҳатлар¹¹ ёки демографик жараёнларга¹² урғу берилганини кўриш мумкин. Шунингдек, улар орасида глобаллашув ахборот технологияларининг мислсиз такомиллашуви натижаси экани ҳақидаги ёндашув ниҳоятда устувордир. Албатта, ушбу ёндашувларнинг ҳар бири ўзининг рационал изоҳларига эга.

Шундай бўлса-да, “глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви...”¹³ экани ҳақидаги фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, реал воқелик жаҳон сахнидаги мавжуд динлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ҳам интенсивлашиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу эса, диний йўналишдаги ўзаро алоқаларда барқарорликка эришиш зарурлигини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг тез суръатларда ривожланишини таъминловчи асосий омил – замонавий ахборот коммуникация технологиялари ҳам бузғунчи кучлар томонидан ғаразли мақсадлар доирасида кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, манбаларда келтирилишича, сўнгги йилларда террористик ташкилотлар ва уларнинг ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган веб-сайтларнинг сони бир неча баробарга ошган. Хусусан, 10 йил аввал бундай сайтлар 20 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб турли сегментларда жойлаштирилган ушбу вайронкор ресурсларнинг сони 5000 дан ортиб кетган¹⁴.

Динлараро мулоқотга кўмаклашувчи турли ноҳукумат халқаро ташкилотлар орасида Диний эркинлик халқаро Ассоциацияси (МАРС) ҳамда

безопасности России в контексте глобализации. М.: Институт философии РАН, 2001. С. 94.; Глобализация и моделирование социальной динамики. \ Отв. ред. Николаев В.Р. М.: Институт социальных наук, 2001. С. 212

¹¹ Қаранг: Геогенезис: философия и методология геоэкономики и геофинансов. Научный альманах высоких гуманитарных технологий. \ Под. ред. Ивановой Г.М. М.: НАВИГУТ, 2003. С. 250

¹² Қаранг: Практическая демография \ Под. ред. Л.Л.Рыбаковского. М.: ЦСП, 2005. С. 164.; Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса. (Очерки теории и методов исследования). М.: УФН, 2000. С. 164.

¹³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 111.

¹⁴ Қаранг: Количество террористических сайтов за 10 лет выросло на 2 порядка - <http://www.securitylab.ru/news/308574.php>.

унинг мамлакатлардаги бўлимлари алоҳида ўрин тутди. Ушбу Ассоциация турли диний эътиқод эгаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида очилган бўлиб, ҳозирда диний конфессияларнинг ўзаро тенг мулоқоти учун қулай шароитларга эга кенг миқёсдаги форумлар шаклида фаолият олиб боради.

Умуман олганда, диний соҳадаги глобал ўзгаришлар турли цивилизациялар қадриятларини мувофиқлаштириш ва кенг миқёсларда динлараро мулоқотни таъминлашга конструктив ёндашув моделини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Ушбу долзарб вазифани самарали бажаришда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари билан бирга жаҳон динларининг ҳам бу жараёнда фаол иштироки талаб этилади.

Шу ўринда бундай шароитда бағрикенглик масаласи муҳим аҳамият касб этади.

“Толерант” атамасининг луғавий маъноси латинча “толеранс”(чидамоқ) сўзидан олинган. “Бағрикенглик” сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб “бағрикенглик” Толерантлик бирор нарсани ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Диний бағрикенглик виждон эркинлиги ва маънавият жиҳатдан катта аҳамият касб этади, у бошқа шахс ёки динга ҳурматни билдиради. Турли дин ҳамда конфессия вакиллари эътиқодида ақидавий фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшашни англатади.

“Толерант” тушунчаси даставвал тиббиётда қўлланилган бўлиб, организмнинг чидамлилиги, ўз муҳитига кириб олган ташқи нарсаларга тоқат қила олишини билдиради. янги даврга келиб бу тушунча ўзгача фикр, эътиқод, динларга нисбатан тоқатлилиқ маъносида қўлланила бошланди¹⁵.

¹⁵ Диншуносликнинг долзарб муаммолари. Т.: Тошкент ислом унверситети, 2011. -б 60

XX асрнинг иккинчи ярмидан расмий ҳужжатларда “толерантлик” ўзбекчада бағрикенлик деб таржима этилди. Бу тушунча турли динларга мансуб кишиларнинг бир муҳитда тинч-тотув, ўзаро ҳурмат билан яшашини билдира бошлади. Халқаро бағрикенлик куни (16 ноябр) эълон қилинди, кўплаб анжуман ва мулоқотлар ўтказилди, ташкилотлар тузила бошланди.

ЮНЕСКО Уставида таъкидланганидек, ўзаро бир-бирини тушунмаслик бутун инсоният тарихи давомида ўзаро шубҳаланиш ва ишончсизликнинг илдиз отишига сабаби бўлган, бу эса оқибатда турли ихтилофлар ва низоларга олиб келган¹⁶. Шу нуқтаи назардан қараганда, буюк аجدодимиз Абу Райҳон Берунийнинг “Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар”¹⁷, -деган фикрлари чуқур мазмунга эгаллигини қайд этиш лозим.

Бағрикенглик - бошқа фикр ва қарашга тоқатли бўлиш, ўзига маъқул ва мақбул бўлмаган эътиқод ва ибодатларни чекламаслик, қораламаслик кабиларда намоян бўлади. Ҳалимлик, кечиримлилиқнинг мумтоз намунаси-пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) дирлар.

Маҳатма Гандининг, “фақат кучлиларгина кечиримли бўлади” деган ғояси бағрикенглик ва кучлилиқ орасидаги узвийлиқнинг ёрқин ифодасидир”. Бағрикенглиқнинг чегараси бор ва бўлиши керак. Бағрикенглик меъёрдан ошса - принципсизликка, ўз қадриятлари ва тартибларидан воз кечишга олиб келади. Меъёрига етмаган толерантлик ҳар қандай янгиликка, четдан бўладиган таъсирига қаршилиқ кайфиятини юзага келтиргани каби, меъёридан ошган бағрикенглик ташқи таъсирига тез берилиши, янгилик қиёфасида кириб келаётган маънавий хатарга эътиборсизлик руҳиятини туғдиради.

Бағрикенглиқнинг мезони битта - бу миллий манфаат. Мамлакат истиқлоли

¹⁶ Қаранг: Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави. //ЮНЕСКО Халқаро меъёрий ҳужжатлари. –Т.: Адолат, 2004. – Б.5.

¹⁷ Беруний Абу Райҳон. Тарвихалар.-Т.: Мерос, 1991.-Б. 38.

ва миллатнинг истикболига хизмат қилмайдиган ҳар қандай янгилик ва таъсирга нисбатан бағрикенглик принципи қўлланилмайди.

Халқаро ҳужжатларда таъкидланганидек, “Ҳозирги дунёда бағрикенглик ўта муҳим аҳамият касб этади. Биз иқтисоднинг глобаллашуви ва янада тезлашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши, шаҳарлашув ҳамда ижтимоий тузилмаларнинг янгидан ўзгариши асрида яшамоқдамиз. Ҳар бир минтақа хилма-хилдир ва шунинг учун тоқатсизликни ва низоларни кучайтириш дунёнинг барча ҳудудларига бирдек таҳдид солади. Бундай таҳдиддан миллий чегаралар ортига беркиниб бўлмайди, чунки у умумбашарий ҳусусиятга эгадир”¹⁸.

Бағрикенглик моҳият эътибори билан “бошқалари” ва “ўзгача” кадриятлар ҳақидаги билимлар, баҳолар ва унга асосланган амалий фаолият тизимини ўз ичига оладиган ижтимоий-маданий ҳодисадир¹⁹.

Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида, ҳамма вақт бошқа халқлар, миллат ва дин вакилларига ҳурмат билан ёндашишини намоён етиб келган. Этник, маданий ва диний хайрихоҳлик ўзбек халқининг энг гўзал фазилатларидан бирига айланган. Шу боис ҳам Ўзбекистон ЮНЕСКО бош конференцияси томонидан 1996 йил 16 ноябрда “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”нинг қабул қилинишини фаол қўллаб-қувватлади. ушбу декларациянинг 1-моддасида қайд этилганидек: “Бағрикенглик — бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни ўзини ифодалашнинг, инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усуллари хурматлаш, қабул этиш ва тўғри тушунишни англатади. Буни эса билим, самимият, очиқ мулоқот

¹⁸ Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. Т.: Адолат, 2004. Б. 92.

¹⁹ Очилдиев А. Бағрикенглик — барқарорлик ва тараққиёт омили. Т.: Тошкент ислом университети, 2007. Б. 9.

хамда ҳур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради”.

Дарҳақиқат, Декларацияда таъкидланганидек, бағрикенглик турли-туманликдаги бирликдир. Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар президент Ислам Каримовнинг ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган 155 якунловчи мажлисида айтган қуйидаги сўзларида ҳам ўз ифодасини топган: “Мен сизларнинг эътиборингизни бизнинг халқимиз мисолидаги ноёб воқеликка, қимматли тажрибага қаратмоқчи эдим. ЮНЕСКО ёрдамида бу ибратли тажрибани бутун дунёга намоиш этса арзийди. Бу — турли динга мансуб бўлган халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида ҳам тинчлик ва тотувликда яшай олиши тажрибасидир.

Бу яқин шарқда ўн йиллар мобайнида турли миллат ва диний қараш вакиллари ўртасида муросасиз кураш тўхтамаётган, этник ва диний қарама-қаршилик минтақавий можароларнинг авж олишига манба бўлиб хизмат қилаётган ҳозирги замонда беқиёс аҳамиятга эга бўлур эди... Этник, маданий ва диний ҳайрихоҳлик ва очиқ кўнгиллик ўзбек халқининг ўзига хос туғма фазилатларидан бирига айланган.

Ўйлайманки, турли диний эътиқод, конфессияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган бизнинг тажрибамизни миллатлараро, диний ва этник асосдаги турли-туман ички ва минтақавий можароларни бартараф этишда муваффақият билан қўллаш мумкин».

“Бағрикенглик бўйича Библиядаги қарашлар юзасидан саволлар (A Biblical Perspective on Tolerance) мақоласида қуйидагича келтирилади: “Бу атама ушбу дин доирасида олийжаноб иш эканлигидадир. Бироқ эндиликда бу тушунча “маъсият” сўзи билан ҳамфикр бўлиб қолди. Бу шунинг англатадики биз бағрикенг бўла оламизми ёки йўқ бунинг чегараси гуноҳ иш қилиш ёки

қилмаслик билан ўлчанади. Бағрикенглик бирор кимсанинг кайфияти ва одати билан ўлчанмайди. Хурмат қилиш нафақат бошқа хилқат ёки характерни хурматлаш, балки гуноҳкор одамни ҳам ўз чегарасида хурматлаш демакдир. Бу бағрикенглик нуқтаи назаридан янгича қарашларни ҳам гавдалантиради. Инсон қўли билан бажариладиган яхши ёки ёмонликни белгилаш бу инсон билан эмас балки яратганнинг ўзи ҳал этиши билан белгиланади (Иккинчи қонун 5:32).²⁰

Сўнгги йилларда бағрикенглик муаммоси доирасида амалга оширилаётган тадқиқотларда бу тушунчанинг таърифлари ишлаб чиқилмоқда. Улардан бирига кўра, “бағрикенглик бу фуқаролик жамиятининг барча фуқароларнинг турлича бўлиш ҳуқуқида намоён бўладиган қадриятлари ва социал меъёрларидир. Шунингдек, у турли конфессиялар, сиёсий, этник ва бошқа социал гуруҳлар ўртасидаги ўзаро барқарор уйқунликнинг таъминланишини, дунёдаги турли маданиятлар, цивилизациялар ва халқлар хилма-хиллигини хурмат қилишни, ташқи кўриниши, тили, эътиқоди, анъаналарига кўра фарқланувчи одамлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрликни ҳам англатади”²¹.

1.2 Ўзбекистонда бағрикенглик тамойилларининг кўриниши

Бугунги маънавий уйғонишимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилаётган ўзбекона бағрикенглик, халқимизга хос этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эмин-эркин

²⁰ By Rebecca S. May A Biblical Perspective on Tolerance. Distributed by www.relationalconcepts.org

²¹ Очилдиев А. Бағрикенглик — барқарорлик ва тараққиёт омили. Т.:Тошкент ислом университети, 2007. Б.121.

адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир²².

Умуман олганда, турли миллатлардан ташкил топган халқимиз тарихнинг энг мураккаб, оғир дамларини енгиб ўтар экан, ўзаро ҳамжиҳатлик алоқалари мустаҳкамланиб борган. Оғир дамларда бир-бирига ёрдам берган халқлар, бир-бирларининг эътиқодларига ҳам ҳурмат билан ёндашганлар.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди... Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган”²³.

Дарҳақиқат, турли конфессияларга мансуб фуқароларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишга асослидир. Мамлакатимиз аҳолисининг 80 фоизини ўзбек, 4,9 фоизини тожик, 3,8 фоизини рус, 3,6 фоизини эса қозоқ миллатига мансуб кишилар ташкил этган. Жами 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари орасида исломдан ташқари христианлик, иудаизм ва буддизм динларига эътиқод қилувчилар ҳам бор²⁴.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, ҳур, кўпмиллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православлик, яҳудийлик,

²² Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 61 б.

²³ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІаср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 141-142.

²⁴ Каримов Н. Бебаҳо хазина // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 2006 йил, 10 ноябрь.

баптистлик, адвентистлик, католиклик сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда. Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, бу конфессияларнинг вакиллари ўзаро елкама-елка туриб, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Мен сизларнинг эътиборингизни бизнинг халқимиз мисолидаги ноёб воқеликка, қимматли тажрибага қаратмоқчи эдим. ЮНЕСКО ёрдамида бу ибратли тажрибани бутун дунёга намойиш этса арзийди. Бу турли динга мансуб халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида ҳам тинчлик ва тотувликда яшай олиши тажрибасидир...Айни вақтда инсоният тарихи турли миллат ва диний эътиқодларга мансуб одамлар юз йиллар мобайнида бир оила каби иноқликда яшаганлари борасидаги мисолларни ҳам билади. Минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг инкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир”²⁵.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фикри глобал аҳамиятга молик бўлиб, дунё ҳамжамияти томонидан турли минтақалардаги миллатлараро, диний ва этник можароларни бартараф этишга хизмат қилиши мумкин.

Немис олими Т.Нагельнинг: “Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждон эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашларидан қатъи назар, сиёсий

²⁵ Каримов И.А. Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда (24.10.1998 й.) сўзланган нутқдан// Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 240.

хохишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади”²⁶, – деб таъкидлаши ҳам бунга исбот бўла олади.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон худуди қадим даврлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган ва ўз навбатида бизнинг маданиятимиз акс таъсир ўтказгани ўзига хос турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Миллати ва диний қарашидан қатъи назар инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар Ўрта Осиё халқларининг юксак сифатларидир. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенг (толерант)лигининг маънавий асосини ташкил қилади.

VII асрда Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан забт этилиши натижасида минтақани исломлаштириш бу ерда аста - секин, бир текис бўлмаган ҳолда юз берди²⁷. Аҳолининг бир қисми ўзларининг қадимги динларига эътиқод қилишда давом этди. Шубҳасиз, бу ерда ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришиши юз берди. Мовароуннаҳр халқлари ислом динига маҳаллий диний- ахлоқ ғоялари, ҳуқуқий нормалари ва урф-одатларини олиб кирдилар. Мовароуннаҳрда бу ҳолат исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига сабаб бўлди. Ўша вақтга келиб минтақада шаклланиб улгурган қулай толерантлик (бағрикенглик) муҳитида бу тасодифий ҳодиса эмас эди.

X асрда ҳозирги Ўзбекистон минтақасида ўз бағрикенглик хусусияти билан

²⁶ Нагель Т. Лотин Европасида дунёвий-маърифий давлат ривожини // Ислам ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: 2003. –Б. 25.

²⁷ Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. - М.,1996.Б.105.

ажралиб турувчи ҳанафий мазҳаби узил-кесил қарор топди.

Илгариги даврларнинг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон ҳудудидаги маданият, ўз навбатида, нафақат ислом маданиятининг кейинги ривожига, балки ғарб ренессансига, умумжаҳон миқёсидаги толерантлик тамойиллари ривожига ҳам сезиларли тафсир кўрсатди. Демак, юртимиз халқларининг маданий ютуқлари нафақат мусулмон, балки жаҳон маданиятининг ажралмас қисмидир. Ана шу даврда яратилган Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳиҳ» ҳадислар тўплами (9 аср) замондошлари томонидан анъанавий сунний тўпламларнинг энг яхшиси деб тан олинган ва ҳозирда ҳам бутун дунё мусулмонларининг энг асосий китобларидан бўлиб қолмоқда. Бу китобда диний мутаассиблик, ақидапарастлик учун асос бўладиган ғоялар тарғиб қилинмаганлиги ҳам юртимиз тарихида ижтимоий бағрикенглик тамойиллари устивор бўлишига хизмат қилган.

Ўзбекистонда тарқалган ислом, христианлик, уларнинг оқимлари, яҳудий дини ҳамда Баҳойий жамоаси ва Халқаро Кришнани англаш жамияти, уларнинг минтақада пайдо бўлиш тарихи, ҳозирги вақтдаги фаолиятини ўрганмасдан туриб мамлакатимизда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш тўғрисида фикр юритиш қийин.

XX аср бошларига келиб Туркистонда 6,03 миллион мусулмонга 391 минг православ тўғри келган, ёки 5340 масжидга - 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари 10,1 минг православга мансуб бўлган «старообярдчи»лар, 8,2 минг лютерчилар, 7,8 минг католиклар, 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар ва 26 минг яҳудий динига мансублар ташкил этган²⁸.

Юртимиз халқларининг тарихи бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва

²⁸ Нуриддинов Ҳ. Ўзбекистондаги диний ташкилотлар: Маълумотнома. Т.1997. Б.9.

тинчликсеварлик намуналарини намойиш қилиб, турли миллат ва дин вакиллари ҳамкорлик ва осойишталикда яшайдиган ўлка эканини кўрсатади. Диний толерантлик тўла ижтимоий тенг ҳуқуқлик, миллати ва келиб чиқишидан қатъи назар инсон эркинлигига нисбатан зўрликни қораловчи қарашлар ва муносабатларда яққол намоён бўлади. Тарихий манбаларда ўтмишда Ўзбекистонда диний муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмаганини қайд қилинади. Бундай ҳолатни ҳозирги Ўзбекистондаги ислом, христиан, яҳудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай дўстона муносабатлардан хулоса қилиб, Республика Президенти Ислон Каримов: *“Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига аризуликдир”*²⁹ дея воқеликни аниқ кўрсатиб берди.

Мамлакатимиз тарихан кўп миллатли ўлка бўлгани ҳамда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллари эмин-эркин яшаб келмоқдалар. Диний жамоалар, арбоблар жамият ҳаётида тобора фаол иштирок этиб, мафнавиятимиз, қадриятларимиз тикланишида, ўзлигимизни танишда, энг асосийси - мустақиллигимизнинг мустаҳкам ва боқий бўлишида фидойилик кўрсатмоқдалар.

Диний можаролар ҳар қандай уруш каби ниҳоятда хавфлидир. Одамлар эртанги кунга ишонч ҳосил қилиб яшашни хоҳлайдилар. ҳар бир халқнинг бундай орзу-умидлари рўёбга чиқишида бошқа омиллар қатори дин ҳам ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Дин арбобларидан халқлар ўртасида ўзаро тотувлик ва ўзаро ҳурмат ўрнатилишида катта масфулият талаб этилади.

²⁹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1988. -Б. 102.

Бугунги кунда Ўзбекистонда христианликнинг уч йирик йўналиши православие, католицизм, протестантизмлар мавжуддир. Шунингдек, христианликда ўз йўналишига эга бўлган арман-григориан (апостол) черкови ҳам фаолият кўрсатмоқда.

1995 йилнинг октябрида бизнинг минтақамизда биринчи бор Тошкент шаҳрида «Ягона осмон остида бирга яшайлик» шиори остида ўтказилган халқаро мусулмон - насроний конференцияси фикримиз далилидир. 1996 йилнинг ноябрида шу ерда Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси 125-йиллиги тантаналарининг биринчи қисми ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига биноан тантаналарда Ўрта Осиёга илк бор ташриф буюрган Москва ва Бутун Рус Патриархи Алексей II иштирок этди. У, жумладан, шундай деди: «Ўйлайманки, Ўзбекистондаги давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги хайрли ҳамкорлик ва сермахсул алоқалар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа республикаларига ҳам яхши намуна бўла олади»³⁰. Ўша йилнинг декабр ойида эса пойтахтимизда Евангел-лютеран кирхасининг 100-йиллиги нишонланди. Яқин ўтмишда бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас эди.

Қолаверса, АҚШ сенатори Хиллари Клинтон, АҚШ собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт ва Иордания Қироллиги шахзодаси Ҳасан бен Талол юртимизга зиёратлари вақтида ҳам юртимиздаги диний бағрикенглик юқори эканини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакиллариининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Республикадаги диний ташкилотлар мустақил ҳуқуқий шахс сифатида ер

³⁰ «Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 29 ноябрь, №243, Б -1.

майдони ва уй-жойига эга бўлишлари, диний адабиётларни нашр этишлари, диний мутахассислар тайёрлашлари, турли тадбирлар ўтказишлари, муқаддас жойларга зиёрат ташкил этишлари учун барча имкониятларга эга.

Мустақиллик йилларида республикада юқорида қайд қилинган қатор халқаро диний анжуманлар ўтказилди, шунингдек жаҳон оммасига яхши таниш бўлган йирик ислом уламоларининг юбилейлари уюштирилди:

-1993 йилнинг сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, 1994 йилнинг ноябрь ойида Хожа Аҳрор Валийнинг 590 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги бўйича тадбирлар ўтказилди;

-1998 йилнинг октябрь ойида Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги кенг миқёсда нишонланди;

-2000 йилда Имом Мотуридий 1130 йиллиги ва Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги тадбирлари кўплаб хорижий меҳмонлар билан ҳамкорликда ўтказилди;

-2001 йилда эса «Авесто»нинг 2700 йиллигини нишонланди.

Минтақанинг бутун тарихи мобайнида мусулмон ва насроний, шунингдек, бошқа дин вакиллари билан ҳам ҳеч қандай низолар бўлмаганлиги Ўзбекистон халқи тинчликсевар, бағрикенг эканлигининг ёрқин далилидир.

Давлатимизнинг диний соҳадаги мақсад ва вазифалари, биринчи навбатда, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳалқимиз фаровонлигини юксалтиришга кўмаклашишга қаратилган. Бу фаолият асосан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва ҳукумат қарорларига биноан амалга оширилмоқда.

Юртимиз асрлар мобайнида турли маданиятлар, миллий анъаналар ва

диний эътиқодлар учрашган табаррук замин бўлиб келган. Миллий ва диний бағрикенглик халқимиз маданияти ва менталитетининг ажралмас қисмига айланган. Буни бошқа динлар вакиллари ҳам эътироф этишади.

Хусусан, яҳудийлар жамоасининг вакилларида бири Р.Бенеман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилганини, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтдаёқ етарли шарт–шароит яратиб берилганини таъкидлаб “Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди”, – деб ёзади³¹.

XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган деҳқонлар ночор аҳволга тушиб қолганда мусулмон аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган исромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар³²”, – деб гувоҳлик берган.

Бундай мисолларни тарихимизнинг кейинги давларидан ҳам топиш мумкин. Маълумки, большевикларнинг оммавий қатоғонларидан руҳонийлар ҳам четда қолмади. Хусусан, архиепископ Владимир таъкидича, биргина Тошкент шаҳрида 3000дан ортиқ руҳоний ва монахлар сургунда бўлишган. Уларга ёрдам кўрсатганлари учун ўзлари ҳам қатоғон қилинишини билган ҳолда ўзбеклар уларга иложи борица кўмаклашишга ҳаракат қилишган. Ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса ҳам қатоғон қилинаётган руҳонийларни яширишган. Масалан, Тошкентдаги Свято–Николай аёллар монастирининг

³¹ Бенеман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению межрелигиозного согласия. “Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан)”. Материалы международной конференции. – Тошкент: 2002. – С. 125–126.

³² Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Тошкент: 2000. – С. 45.

сўнгги бошлиғи, отишга ҳукм қилиб қўйилган Игуменья Лидия (Нагорнова)нинг камоққа олинишидан олдин қочиб кетишига Жўра исмли ўзбек йигити кўмаклашган³³.

Давлат ташкилотлари бошқа жамоат муассасалари сингари, расмий диний ташкилотларни, уларнинг ички, яъни бевосита ибодат билан боғлиқ ишларига аралашмаган ҳолда конституциявий ҳуқуқларни таъминлайди. Аммо сиёсий тус олиши мумкин бўлган ҳамда фуқаролар хавфсизлигига путур етказадиган экстремистик ва фундаменталистик оқимлар пайдо бўлган тақдирда уларни назорат остига олиб, тегишли чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, дейилган. Шунга биноан ҳар бир диний конфессия ўз мафкурасига эга бўлиши мумкин. Лекин бу мафкура халққа тазйиқ билан сингдирилишига йўл қўйилмайди. Жамиятимизда диний ташкилотлар фаолиятининг устивор йўналишлари халқимизда миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик ва фидокорлик, комил инсонни шакллантиришга сафарбар этишига қаратилган³⁴.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари бир қатор жиҳатларга эга. Аввало, давлат ва диннинг бир-биридан ажратилганлиги, диний ташкилотларнинг таълим-тарбиянинг расмий тизимига кирмаслиги билан белгиланади. Лекин бу асло давлатнинг динга мутлақ бефарқлигини ёхуд диннинг маънавий ҳаётдан бутунлай ажратиб қўйилганлигини англатмайди.

Давлат ва дин ташкилотлари жамият ҳаётининг икки узвий алоқадор

³³ Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. –Тошкент: 2000. –С. 44.

³⁴ Миллий истиқлол гоҳиси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000.Б.43-47,60-61.

соҳасида фаолият кўрсатадилар, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, тинчлик, бағрикенгликни таъминлашга ўз ваколатлари ва имкониятлари даражасида ҳисса қўшадилар. Ёш авлодни ватанпарварлик, фидокорлик, халққа содиқлик каби улуғ туйғу ва шуурлар асосида тарбиялашда буюк аجدодларимиз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд сингари алломалар ҳаёти, ижоди, бебаҳо дурдона асарларини ўрганиш, мавжуд бой диний, миллий ва маънавий тадқиқ ва тарғиб этиш, ундан истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида самарали фойдаланиш умуммиллий вазифасига айланмоқда.

II БОБ. ЖАҲОН ДИНЛАРИ МУҚАДДАС МАНБАЛАРИДА БАҒРИКЕНГЛИККА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

2.1. Ислом дини муқаддас манбаларида бағрикенглик

Ислом дини ўзининг илк давридаёқ бағрикенглик дини сифатида намоён бўлади. Жаҳон динларининг ичида фақат исломда эътиқод эркинлиги очиқ-ойдин эълон қилинган: “Бақара” сурасининг 256 оятида шундай марҳамат қилинади:

“Динда зўрлаш йўқ, зеро тўғри ёл янглиш йўлдан ажрим бўлди. бас, ким шайтон (ёхуд бутлар)ни инкор этиб Аллоҳга имон келтирса, демак у

мустваҳкам халқани ушлабди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.³⁵ ”

Дарвоқе, ислом душманлари ҳатто мана шу оятни ҳам икки бошқа оят билан қуйидаги тартибда келтириб, Қуръонни “қоралашга”, тирноқ ичидан кир қидиришга ҳаракат қилганлар: 1. “Бас имон келтирмайдияган қавмга ҳалокат бўлгай³⁶”. 2. “Динда зўрлаш йўқ³⁷”. 3. “Хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин³⁸”. Ваҳоланки, мазкур оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ва хронологиюсини эътиборга олиб бошқача: 1. “Динда зўрлаш йўқ”; 2. “Хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин”; 3. “Бас имон келтирмайдияган қавмга ҳалокат бўлгай” тартибида келтирилса, уларнинг “диалектик изчилликда экани ва бир-бирини тўлдираётгани” яққол кўзга ташланади.³⁹

Қуръонда пайғамбарларнинг ўзига ҳос шажараси қуйидаги тарзда келади: **“Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Ишқ, Ёқуб ва (унинг) авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарса (ваҳий)га имон келтирдик. Уларнинг орасида бирортасини (тасдиқлашда) фарқ қилмаймиз ва унинг ўзигагина бўйин сунувчилармиз⁴⁰”.**

Кўпинча Қуръон ва ҳадислардаги баъзи ўринларни, айниқса уруш ҳақидаги, жиҳод тўғрисидаги кўрсатмаларни нотўғри равишда, жангарилик руҳида талқин қилишади. Ваҳоланки, ҳақиқий ислом нуқтаи назаридан қаралса,

³⁵ Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. — Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2009. —Б. 412. (Битирув малакавий ишида келтирилган барча Қуръон оятларининг таржимаси мазкур китоб асосида берилгани учун кейинги ўринларда фақат суранинг номи ва оят рақами келтирилади.)

³⁶ Мўминун су раси, 44-оят.

³⁷ Бақара су раси, 256-оят.

³⁸ Каҳф су раси, 29-оят.

³⁹ Риотровский М. Коранические сказания. М.: Наука, 1991. С. 23.

⁴⁰ Оли Имрон су раси, 84-оят.

бундай уруш фақат муҳофаа мақсадида олиб борилгандагина шаръийдир. Акс ҳолда уруш нафақат муқаддас эмас, балки яратган ҳам уни ёқламайди. Қуръон оятларини синчиклаб ўрганган киши шак-шубҳасиз шундай хулосага келиши муқаррар. Бундан 100 йил аввал кўзга кўринган рус файласуфи шундай ёзган эди: “Юқорида келтирилган Қуръон матнларидан Муҳаммадга нисбатан фанатизм, тоқатсизлик, диний зўравонлик каби айблар қанчалик ноҳақ эканини кўрдик. Умуман мусулмонларнинг муқаддас китобида Муҳаммад томонидан диннинг онгли равишда суистъемол қилинганлиги ҳақида биронта сўз йўқ”. Ундан ярим аср аввал Голландиялик йирик исломшунос олим Райнхард Дози ҳам айнан шу фикрни айтган эди: “Европада узоқ вақт давомида ҳукмрон бўлиб келган бу (мусулмонларнинг исломни тарқатиш йўлида муқаддас уруш- жиҳод қилишлари лозимлиги) ҳақидаги фикр тўғри эмас. Қуръонда, диққат билан қаралса, барча имонсизларга қарши уруш олиб бориш ҳақида биронта кўрсатма йўқ... Муқаддас уруш фақат биргина ҳолатда — мусулмонларга душман ҳужум қилгандагина вожибдир, агар кимда-ким Қуръон кўрсатмаларини бошқача тушунса, бунга илоҳиётчиларнинг нотўғри талқини айбдор.”⁴¹»

Қуръонга кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар тушунувчилар учун Яратганнинг оятларидан (мўжизаларидан)дир⁴². Миллий ва диний ранг-баранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалаларида Қуръон тўлиғича бағрикенглик руҳи билан суғорилган⁴³. Дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзотни бир уммат қилиб яратганди, сўнгра уларни турли қабила, халқ ва динларга ажратишни ирода қилди⁴⁴. Бундай ранг-барангликдан мақсад-умумий фаровонлик йўлида инсонлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари

⁴¹ Очилдиев А. Бағрикенглик — барқарорлик ва тараққиёт омили.т.: тошкент ислом университети, 2007. Б. 94

⁴² Қаранг: Рум сураси, 22-оят.

⁴³ Очилдиев А. Бағрикенглик — барқарорлик ва тараққиёт омили.Т.: Тошкент ислом университети, 2007. Б. 95

⁴⁴ Қаранг: Бақара сураси, 213-оят; Хужурот сураси, 13-оят.

даркор⁴⁵. Бошқа жамоалар билан ҳамжихатликни чуқурлаштириш учун мусулмонлар улар билан, айниқса, китоб аҳли- яҳудийлар ва насронийлар билан мулоқот қилмоқликлари лозим⁴⁶. Қуръон бу дунёни барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин деб эълон қилди⁴⁷. Душман тинчлик — сулҳни таклиф қилса, уни қабул қилиш керак⁴⁸. Динларнинг турли —туманлиги Яратган томонидан ўрнатилган экан, уни бекор қилиш ёки ҳаммани бир дин байроғи остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмас⁴⁹. Шунингдек, “Қасос” сураси 56-ояти; “Юсуф” сураси 103-ояти; “Моида” сураси 99-ояти; “Наҳл” сураси 35-ояти; “Нур” сураси 54-ояти; “Анкабут” сураси 18-ояти; “Ясин” сураси 17-ояти; “Ғошия” сураси 21—22-оятларда Аллоҳ пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)га бу ҳусусда қайта-қайта кўрсатмалар беради. Ниҳоят, “Бақара” сураси 256-оятда диний эътиқод масаласида зўравонлик тамойили асло мумкин эмаслиги айtilган. Мазмунан унинг давоми сифатида “Каҳф” сураси 29- оят келади.

Ҳақиқий эътиқод ички имондан келиб чиқади. Шундай экан, уни зўрлик билан ўрнатиб бўлмайди. “Динда зўрлаш йўқ” оятини инсонга танлаш ихтиёри берилган ва бунинг учун ўзи жавоб беради деган маънони ҳам тушуниш мумкин.

Муҳаммад (с.а.в) ҳаёти синчиклаб ўрганилса, у зот ҳеч қачон ҳеч кимни исломга киришга мажбур қилмаганлари, бирон маротаба у-ёки бу ҳарбий ҳаракат диний эътиқод туфайли бўлмагани аён бўлади. Пайғамбар олиб борган ҳарбий тадбирларнинг барчаси беистисно соф мудофаа мақсадларига хизмат қилган. Бадр, (624) Уҳуд (625) ва Ҳандақ (627) жангларида маккалик мушриклар ҳужумкор, Мадиналик мусулмонлар эса аксинча, мудофаа мавқеида

⁴⁵ Қаранг: Моида сураси, 48-оят; Бақара сураси, 148-оят; Моида сураси, 2-оят.

⁴⁶ Қаранг: Анкабут сураси, 46-оят.

⁴⁷ Қаранг: Бақара сураси, 208-оят.

⁴⁸ Қаранг: Анфол сураси, 61-оят.

⁴⁹ Қаранг: Юнус сураси, 99-оят.

бўганлар. 628 йилда Пайғамбар тинч мақсадда Макканинг зиёрати учун отланганда мушриклар бунга руҳсат бермадилар. Оқибатда Ҳудайбия сулҳи имзоланди ва мусулмонлар Мадинага қайтишга мажбур бўлдилар. Умуман олганда, Қуръони каримнинг 50 дан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликрарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилганлар⁵⁰.

Қуръони Каримда аввало динга зўрлаб киритиш ғояси рад этилади. Бу диний бағрикенгликнинг ўзагидир. Динга зўрлаб киритишнинг рад этилиши ислом динининг эркин ва маърифатга асосланган дин эканлигини кўрсатади. Қуръони каримда шундай дейилади: **“Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтонни (ёхуд бутларни) инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли ҳалқани тутибди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир”**⁵¹. Демак, бу ўринда шундай фикрлар илгари сурилади:

“Динда зўрлаш йўқ”, яъни бирор бир кимсани динга мажбуран киритиш тақиқланади. Хоҳлаган динига эътиқод қилаверади. Иймон келтириш ёки келтирмаслик кишининг ихтиёрий ишидир.

“Тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди”, яъни иймон келтириш тўғри йўлга, иймон келтирмаслик эса нотўғри йўлга бошлайди.

“Бас, ким шайтонни (ёхуд бутларни) инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли ҳалқани тутибди”, яъни иймон келтирган киши тўғри йўлдагилар сафига қўшилади. Турли хил хурофотларга ишонмасдан ўзининг эътиқодида мустаҳкам туради.

“Аллоҳ эшитувчи, билувчидир”, яъни кишининг тўғри ёки нотўғри йўлда эканлигини фақатгина Аллоҳ билади.

⁵⁰ Очилдиев А. Бағрикенглик — барқарорлик ва тараққиёт омили. Т.: Тошкент ислом университети, 2007 б 97.

⁵¹ Бақара сураси, 256–оят.

Конституциямизнинг 31– моддасида шундай таъкидланади: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”⁵².

Одамларни динга ёки диний кўрсатмаларни бажаришга зўрлаш Исломнинг моҳияти ва руҳига мутлақо зиддир. Зеро, ислом ақидасига кўра, чинакам иймонга хоҳиш–ирода ва виждон амри билангина келиш мумкин. Албатта, мусулмонлар Қуръони каримда баён этилган ахлоқий асосларни ҳаётга тадбиқ этиш зарурати тўғрисида бир–бирларини рағбатлантиришлари, огоҳлантиришлари ёки эслатишлари мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов: “Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аجدодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ⁵³”, – деганлар.

Маълум бўладики, ислом дини – тўғри йўл сифатида талқин қилинади. Бунинг маъноси шуки, ахлоқ, дунёқараш ва турмушда (яшашда) тўғри йўлдан бораман деган киши иймон келтиради. Киши динга ўз хоҳиши ва истаги билан кириши керак. Агар у динга кирса, тўғри йўлдан боришига кафолат берилади.

Чунки, тўғри йўлдан юрувчилар Қуръони каримда “мустаҳкам ҳалқа”, яъни бир жамоа бўлиб юрувчилар дея талқин қилинган. Эҳтимол шу сабаб кўп етук кишилар бу йўлни ихтиёр қилганлар. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари шундай деган эканлар: “Бизнинг йўлимиз” “урватулвусқо”нинг (мустаҳкам

⁵² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент:“Ўқитувчи” нашриёт матбаа ижодий уйи, 2008. –Б. 10.

⁵³ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент:“Маънавият”, 2008. –Б. 36.

халканинг) нодир кўринишларидандир”⁵⁴.

Миллий ва диний рангбаранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалаларида Қуръон тўлиғича бағрикенглик руҳи билан суғорилган. Дунёдаги турли–туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Қуръонда шундай марҳамат қилинади: **“Унинг белгиларидан (яна бири) – осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма–хиллигидир. Албатта, бунда барча олимлар учун аломатлар бордир”**⁵⁵.

Тарихдан маълумки, апартеид (ирқий камситиш) сиёсати ўрта аср Европасининг асосий муаммоларидан бири бўлган эди. Аммо бу муаммони мусулмон дунёси ўзларидан соқит қилдилар. Чунки ўзга ирқ вакиллари камситиш ҳам маънавиятсизликнинг энг юқори кўринишларидан биридир.

Шу масала билан боғлиқ Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётларидан қуйидаги ибратли мисолни айтиб ўтиш жоиз: “Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалари билан масжидда ўтирган эдилар. Шу пайт Салмон Форсий (р.а) кириб келдилар. У кишини Расулуллоҳ (с.а.в.) очик юз билан кутиб олиб, ўз ёнларига чорладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Салмон Форсий (р.а)га қилган бундай меҳрибончиликларидан бошқа араб саҳобаларининг ғазаби келди ва улардан бири шундай деди: “Ё, Расулуллоҳ, Салмон форс бўлса, биз эса араб бўлсак, у биздан пастда ўтириши керак”.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бу гапдан жаҳллари чиқди ва шундай дедилар: “Бундай эмас! Форс ёки араб бўлиши унинг фазилатини оширмайди, ранги ёки ирқи фазилатга сабаб бўла олмайди. Худога яқин бўлиш учун инсондаги тақво, иймон ва солиҳ амал сабаб бўла олади. Бу муқаддас йўлда биз мусулмонлар бир хил биродармиз, тилларимиз бир–биримиздан жудо қила олмайди, яшаётган

⁵⁴ Баҳоуддин Балогардон. –Тошкент: Ёзувчи, 1993. –Б. 78.

⁵⁵ Рум сураси, 22–оят.

маконимиз, ирқ ва рангимиз ҳам бир–биримиздан айира олмайди”⁵⁶.

Ислом кишиларнинг кадр–қимматини ирқи ёки ижтимоий келиб чиқишига қараб камситишни қаттиқ қоралашига яна бир мисол:

Абу Зарр ал–Ғифорий исмли машҳур саҳобий билан Билол ибн Рабоҳ ал–Ҳабашийнинг ораларидан гап ўтиб қолиб, Абу Зарр (р.а.) Билол (р.а.)га “Эй, қора хотиннинг ўғли”, – деб мурожаат қилади.

Шунда Билол (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)га шикоят қилганида, У зот Абу Зарр (р.а.)га: “Сен ичида жоҳилият бор одам экансан!”, – деганлар. Яъни, тўлиқ мусулмон эмас экансан, – деганларидир.

Демак, Қуръонда инсон кадр–қийматини пастлатиш учун унинг насли, танасининг ранги, тили каби омиллар дастак қилинмайди. Чунки, бу омилларни ҳеч ким ўз ихтиёри билан танлаб олмайди. Уларни ҳар бандага Аллоҳ беради. Уларнинг ҳаммаси ҳам инсоний кадр–қиймат ҳисобланади.

Бу ислом тарихидан ирқий тенгликка мисол бўла оладиган бир парча эди холос. Шубҳасиз, Қуръон ислом маънавиятининг асоси ҳисобланади. Ирқий муносабатлардаги бундай бағрикенглик ислом дини вужудга келгунгача бундай даражага кўтарилмаган эди.

Қуръонда диний бағрикенгликнинг яна бир ғояси – динларнинг асли (моҳияти) битта эканлиги ҳам талқин қилинган. Қуръони каримда шундай дейилади: **“(Эй, инсонлар!) Сизларнинг ушбу динингиз (аслида) бир дин (яъни Ислом)дир. Мен эса (барчангизнинг) Раббингиздирман. Бас, Менга ибодат қилингиз!”**⁵⁷.

Ислом бошқа динга эътиқод қилувчилар билан ҳамкорлик қилишни тақиқламаслиги, унинг таълимоти диний бағрикенглик тамойилларига асосланиши барча манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, Қуръони каримда

⁵⁶ Хайкал Ҳусайн Муҳаммад. Ҳаёти Муҳаммад. –Байрут. –Б.197.

⁵⁷ Анбиё сураси, 92–оят.

шундай дейилади: **“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (хайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар”**⁵⁸.

Ушбу оятда Аллоҳ мўмин–мусулмонлар бошқа миллат ва дин вакиллари билан диний адоват юзасидан уруш қилмаса ва уларни сиқувга олиб ўз юртларидан чиқариб юборишга ҳаракат қилмаса, улар билан яхши алоқада бўлиш ва уларга нисбатан адолатли бўлишга буюрмоқда.

Қуръони каримда шундай дейилади: **“Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнгра уни хавфсиз жойига етказиб қўйинг! Бу уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари сабаблидир”**⁵⁹.

Агар ўзга дин вакиллари ёрдам сўраб келишса, ёрдам беришлик ҳам уларга бўлган бағрикенгликнинг ифодасидир.

Қуйида келтирилган баъзи оятлар Қуръони каримда диний бағрикенгликка оид муносабатларни кўрсатиб ўтади:

1. “Бақара” сураси 256-ояти: **“Динда зўрлаш йўқ, зеро тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтон (ёҳуд бутлар)ни инкор этиб Аллоҳга имон келтирса, демак у мустаҳкам халқани ушлабди. Аллоҳ ешитувчи ва билувчидир.”**

2. Бақара сураси 285-ояти: **“Пайғамбар (Муҳаммад) ўзига Раббисидан нозил қилинган нарсага (оятларга) имон келтирди ва мўминлар ҳам. (Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди. “Эшитдик ва итоат этдик. Эй раббимиз, мағфиратингни (сўраймиз).**

⁵⁸ Мумтаҳана сураси, 8–оят.

⁵⁹ Тавба сураси, 6–оят.

Сенгагина қайтиш (бор)”, -дедилар.

3. Кафирун сураси 6-ояти: **“Сизларнинг динингиз сизлар учун, менинг диним мен учундир.”**

4. Нахл сураси 125-ояти: **“(Эй, Муҳаммад) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насихат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, раббингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчу ва У ҳидоят торганларни ҳам билувчироқдир.**

5. Мумтаҳана сураси 8-ояти: **“Динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатлиларни севар.”**

6. Моида сураси 5-ояти: **“Бугун сизлар учун покиза нарсалар ҳалол қилинди. Шунингдек, Аҳли Китобларнинг таоми сизлар учун ҳалол ва таомингиз улар учун ҳалолдир. Зинокорлик ва махфий ўйнаш қилиб олиш учун эмас, балки маҳрларини берсангиз, мўмина аёлларнинг иффатлилари ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг иффатли аёллари (ҳам ҳалолдир). Кимки, имондан куфрга қайтса, (қилган савобли) иши, албатта, зойе бўлур ва у охирада зиён кўрувчилардандир.”**

7. Лукмон сураси 15-ояти: **“Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (яъни, қиёмат кунида) қайтишлик Менинг ҳузуримгадир, бас, сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман”.**

8. Ғошия сураси 21-ояти: “Бас, (эй, Муҳаммад,) эслатинг! Зотан, Сиз фақат эслатувчидирсиз. Уларнинг устидан зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз.”

9. Оли Имрон сураси 64-ояти: “Айтинг (Эй, Муҳаммад): “Эй, китоб аҳли (яхудийлар ва насронийлар), биз билан сизнинг ўртамизда (аҳамияти) баробар бўлган бир сўзга келингиз - ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб бир-бирларимизни илоҳ қилиб олмайлик!” Агар (бу таклифдан) юз ўгирсалар, (сизлар уларга): “Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлармиз”, - деб айтингиз!

10. Оли Имрон сураси 200-ояти: “Эй, мўминлар! Сабр қилингиз, бағрикенг бўлингиз ва (Аллоҳ йўлига) тахт бўлиб турингиз ва Аллоҳдан кўрқингиз, зора (шунда) толе торсангизлар!”

11. Шуаро сураси, 40-ояти: “Балки, биз, сеҳгарлар ғолиб чиқсалар, уларга эргашурмиз”.

12. Нур сураси, 22-ояти: “Сизлардан фазилат ва кенг мол-мулк эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Аллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки уларни афв қилиб, кечирсинлар! Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизларми?! Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир”.

13. Тавба сураси, 4-ояти: “Аммо сизлар (мўминлар) аҳдлашган мушриклар кейин сизларга бирор нарсада ноқислик (вафосизлик) қилмасалар ва сизларга қарши ҳеч ким билан ҳамкорлик қилмасалар, у ҳолда уларнинг аҳдларини (белгиланган) муддатларигача етказингиз! Албатта, Аллоҳ тақволиларни яхши кўргай”.

14. Тавба сураси, 6-ояти: “Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини ешитсин.

Сўнгра уни хавфсиз жойига етказиб қўйинг! Бу уларнинг билмайдиган қавм бўлганларидандир”.

15. Анкабут сураси, 46-ояти: **“(Эй, мўминлар,) сизлар Китоб аҳли билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилинглари, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан мустақнодирлар. Шунингдек, айтинглари: “Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам имон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ва сизларнинг илоҳингиз бир (Илоҳ)дир ва бизлар Унгагина бўйин сунувчимиз. ”**

2.2. Христианлик динида бағрикенглик масаласи

Жаҳон динларидан бири христианликда инсонларни умуминсоний ахлоқий ғоялар-тўғрисиўзлик, мазлум ва заҳмат чекувчиларга ёрдам кўрсатиш, саховат ва меҳрибонлик қилиш, катталарга ҳурмат, меҳр-оқибат, андиша, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, шу билан бирга гуноҳ ишлар ва адолатсизликка қарши муносабатда бўлиш, ҳамда биргаликда ҳаракат қилишга чақирилади. Шу билан бирга Библияда “... раҳм қилганлар, раҳм топадилар, ... тинчликпарварлар нажот топадилар⁶⁰, ... барча инсонлар билан тинч-тотув бўлинглари⁶¹.”

Тошкент ва ўрта Осиё епархияси раҳбари, митрополити Владимир бу хусусда: “Орамизда дўстлик ришталари ҳамма соҳаларда намоён бўлмоқда: ҳар бир православнинг мусулмон дўстлари мавжуд бўлгани каби руҳонийлар ва имомлар ўртасида ҳам дўстлик алоқалари жуда баланд. Дўст-мусулмонларга тадбиркорлик соҳаси ёки Конституция бўйича ёрдам билан мурожаат қилинса,

⁶⁰ Библия Евангелия от Матфея 5:7, 5:9 .Киев: 1997. С.6.

⁶¹ Ўша манба. Хаворий Равелнинг римликларга мактуби (12:18).С.210.

албатта сўралган нарсани оламиз. Бизда зиддиятлар у ёқда турсин, тушунмовчиликлар ҳам мавжуд эмас”⁶², деб таъкидлайди.

“Бағрикенглик бўйича Библиядаги қарашлар юзасидан саволлар (A Biblical Perspective on Tolerance) мақоласида қуйидагича келтирилади: “Биз бугунги кунда бағрикенгликнинг улкан ҳолатида яшамоқдамиз. Бугун дунёда биз нафақат катталарга ҳурмат, чидамлилиқ, бахтсизликка қаноатни кўрамиз, балки бу хислатлар кишилиқ нисбатларидандир.

Яқин ўтмишда эътиқод қилувчилар шуни таъкидлашар эди: “Шу оҳангда Худо дунёни муҳаббатли қилди” деб, ... бироқ бугун, аксар эътиқод қилувчи инсонлар “ҳукм шунчаки ҳукм эмас” деган қарашдалар. Бу ҳақида Иоанн инжили христианликнинг муқаддас китобида 3:16 стихида деб қаралади.” Ушбу мақолада шунингдек “бағрикенглик” маъносига ҳам урғу бериладики: Библияга эътиқод қилувчи 53% консерватор Христианларнинг катта ёшлилари унинг умум ҳақиқатига ишонмайдилар. Бунинг сабаби улар бағрикенгликка ўта ишонганликларидир.” -деб фикр билдирилади.

Мақолада яна бағрикенгликнинг натижа ва таъсирлари ҳақида ҳам фикр юритилади: “Бағрикенглик эътиқод қилувчининг маънавий ҳаётидаги кўпгина жиҳатларда ўзининг салбий кўринишига эга (Tolerance has a negative effect on many aspects of the spiritual life of a believer.). Севги, пайғамбарга боғлиқлик, стихлар, ибодат, ҳуррият каби омилларда бунинг кўриниши қиёслаб ўтилади. Бу каби қарашларни қуйидаги стихлар Иоанн 14:6, Иоанн 17:17, Иоанн 8:34, Иоанн 8:31-32 билан исботлашга уринади муаллиф. Шунингдек Евангелия китобидан ҳам мисоллар келтиради. Апокалипсисда (2:19-20 стихларида) эса бағрикенгликнинг ифодаси албатта Библияда акс этганлигини муаллиф яна бир-бор уқтиради.” Яқунда, мақола муаллифи диний бағрикенгликка оид савол

⁶² Диншуносликнинг долзарб муаммолари I. Т.: Тошкент ислом унверситети, 2009. -б 50.

жавоблатни ҳам келтириб ўтган. Мисол учун:

Савол: *Бугун бағрикенглик қандай англашилади?*

(“Q: How is tolerance defined today?”)

Жавоб: Бағрикенглик бугун у ёки бу шахсларнинг фикрларига, малакасига ва феъл-атворларига ҳурмат ва ҳаттоки уларнинг ушбу жиҳатларида гуноҳ бўлса ҳам ёки улар гуноҳкор бўлсалар ҳам дегани.

(“Answer: Tolerance today means respecting someone’s opinions, practices, and behavior even if their opinions, practices, and behavior are sinful or promote sin.”)

Савол: *Бағрикенглик ва эътиқод ҳамроҳанг бўла оладими?*

(“Q: Can tolerance and truth co-exist?”)

Жавоб: Бағрикенглик гуноҳни қабул қила олиши ва Худо эса ушбу жиҳатдан бу тарафда эмас экан, демакки бағрикенглик ва эътиқод учун муштараклик йўқ дегани.

(“Answer: Since tolerance accepts sin and God doesn’t, it is impossible for tolerance and truth to co-exist.”)

Савол: *Бағрикенгликнинг таъсири қандай бўлмоқда ?*

(“Q: What is the effect of tolerance?”)

Жавоб: Эътиқод қилувчи учун бағрикенгликни қабул қилиши унинг маънавий ҳаётининг кўпгина жиҳатларда ўз аксини топади, айниқса, Христос ва унинг сўзларини тушуниш, севги ва ибодатга нисбатан қобилият, шунингдек маънавий ҳаётнинг яшаши учун озодлик демакдир.

(“A: For the believer, acceptance of tolerance affects many aspects of his spiritual life; specifically, the understanding of Christ and His Word, the ability to love and worship, and the freedom to live the spiritual life.”)

Савол: Библия бағрикенглик ҳақида нима дейди?

(“Q: What does the Bible say about tolerance?”)

Жавоб: Худо эътиқод қилувчиларга қарата мен сизларга қаршиман, чунки сенга бағрикенглик қиларсан дейди. “Ваҳийнома” 2:20.

(“A: God says to the believers in Thyatira, I have this against you, that you tolerate Revelation 2:20”)⁶³.

Христианлик динида бағрикенглик тушунчаси Исо Масих ва унинг тарафдорлари томонидан содир бўлганлиги ва бу иш нақадар улуғ иш эканлиги ҳақида бир неча манбалар бизга сўз очади. Маълумки, ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони карим ва шунингдек иккинчи масдари ҳадиси шарифда келган бағрикенглик тамойили христианлик дини талқинида ва у дин тарафдорлари, шунингдек дин назарияси асосида бир неча кўринишларда юзага келади. Бунинг далили сифатида толерантизм мавзусини ўз ичига олган кўплаб китоблар ва манбаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда Ғарб оламида бағрикенглик тамойиллари ва унинг асослари мавзуидаги кенг истеъфодада бўлаётган китоблардан бири яқоб неуснер ва Брус Хилтонларнинг “Religious Tolerance in World Religions” яъни “Дунё динларида диний бағрикенглик” номли китоби фикримиз далили бўла олади. Ушбу китоб АҚШ давлати университетларидан бири Бард коллежида бўлиб ўтган конференсияда дастлаб сўзланган нутқ бўлиб кейинчалик 2008 йили китоб шаклида нашр этилгандир.⁶⁴

Ушбу китоб мундарижасини кўрар эканмиз унда нафақат маҳаллий динлар балки жаҳон динлари бўлган ислом, христианлик ва буддавийликка доир маълумотларни ҳам кўрамиз. Жорий асарнинг “Қадимги христианликда

⁶³ By Rebecca S. May A Biblical Perspective on Tolerance. Distributed by www.relationalconcepts.org

⁶⁴ Қаранг: J. Nechour, B. Chilton. Religious tolerance in world religions.

бағрикенглик ва мубоҳаса” бўлимида дин тарихи, диний зиддиятлар ва сабаблар акс этган. Матто ва руҳоний Жустинлар томонидан бу жиҳатларнинг қанчалар узвийлиги ва муҳимлиги муаллиф томонидан алоҳида урғуланиб ўтилган.

Маълумки, евангелия китоби Матфей (матто), Лука(луко), Ионна ва Маркларнинг ёзиб қолдирган саҳифалари асосида деб қаралади. Биз юқорида тилга олган дунё динларида диний бағрикенглик китобининг “Издошлар ва шаҳодат изоҳи” бўлимида муаллиф Брус хилтон бағрикенглик ҳақида Матфей евангелия назарияси бўйича қуйидагича маълумот келтирилади: “Матфей (Матто)га кўра 5:38-47 стихларида Исо Масих ўз ҳаворийларига ўзларининг душманларига нисбатан уларни севишга ва муҳаббатли бўлишга шундай ундайди:

“Сизлар эшитганингиз каби бу шундай таъкидланди, кўзга кўз, тишга тиш. Такроран айтаман, ҳеч кимсани ғаним санаманг, кимда-ким сизларнинг ўнг бетингизга шапати туширса марҳамат қилиб чапингизни тутинг, кимда-ким сизлар билан баҳс мунозарага киришса, сизлар либосни олингиз ва ғанимга тўнни қолдиринг. Агар кимда-ким сизлар билан бир мил саёҳат қилмоқчи бўлса, у билан икки милга боринг. Кимда-ким сизлардан бирон нарса истаса, ундан чекинманг. Сизлар эшитганингиз каби бу шундай таъкидланди, қўшнингизни севинг,..... .”

Исо Масих ғанимлардан бирор таҳсин кутмасдан уларни севишга ундайди.”⁶⁵ Кўпгина ғарблик христиан диншунослар айнан ушбу стихни бағрикенглик негизи сифатида биладилар. Уларнинг бошқа динлар билан муомалага киришишларида гўёки ушбу стих уларга йўлланмадай кўринади. Юқоридаги стихнинг боши ва давомида таъкид катта куч билан бошланади ва давом этади, афтидан “... бу шундай таъкидланди” маъноси кўз билан ҳам гувоҳ

65

J. Nechour, B. Chilton. Religious tolerance in world religions. PA: Templeton Foundation Press, 2008.

бўлинсин, кулоқ билан ҳам гувоҳ бўлинсин каби ифодасида бўлиши керак. Чунки ўз тилимизда шунга ўхшаш ибора ҳам бўлиб у ёки бу нарса ва топширик қанчалар муҳимлиги айнан қуйидагича “икки кулоғинг билан эшитиб ол” каби бўлади. Стихда келган таъкид эса сўссиз дин ергашувчилари учун айтилган таъкид бўлиб, маъноси буни яхшилаб ешитиб олинг, шуни унутмангки... каби келган. Бошқа дин вакили ёхуд вакиласи билан муносабатга киришишда христиан дини эътиқод қилувчи эркагию аёлидан бир неча талабларни стих бизга кўрсатади:

-ҳеч кимсани ғаним санамаслик- бунда барча дин эътиқод қилувчилари хоҳ у маҳаллий дин бўлсин, хоҳ у жаҳон дини бўлсин улар учун муносабат ва муомала бир хил бўлиши, бирдек дўст тутиш, асло душмандек қабул қилмаслик керак бўлади;

-қаттиқ муносабатга нисбатан марҳаматли бўлиш- маълумки муносабатларнинг тури кўп, мулойим муносабат, қаттиқ муносабат, ўртамиёна муносабат ва ҳоказо. Бироқ, бу ердаги муносабат марҳаматли бўлган, мулойим бўлган муносабатни ифодалайди. Модомики бошқа шахс тарафидан кўриладиган дашном ёки таъна бу ўша шахсга нисбатан қайси дин ва миллатга дахлдор эканлигидан қатъи назар ўша инсон учун бўладиган бўладиган муомала ўзгармаслиги, аксинча қайта ва қайта унга бўлган тақаллуфни англатади;

-мунозарада маърифатли бўлиш- динимиз исломдан ҳам маълумки, маърифат бу қалб кўзгуси, онг меҳнати ва ақл чархидир. Маърифат сира хира қалбда қўним топмайди, аксинча у қайта ва қайта берилажак савол билан сайқалланади. Маърифатли бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган неъмат ҳисобланади. Инсон қайси дин эгаси бўлишига қарамасдан фақат ва фақат тўғри йўлга интилишни ўз мақсади деб олиши дакор бўлади. Христианлик

динида ҳам бунга алоҳида урғу берилган экан. яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам ақл билан маърифат соҳиби ёхуд соҳибаси эканлигини кўрсата олиш. Бу икки йўл билан саҳоват ва илм ёрдамида акс этади.

-ҳамроҳга саҳоватли бўлиш- фараз қилайлик бир буддавий овга чиқишни ният қилди ва христиан танишидан уни ўзи билан бирга олиб бормоқчи эканлигини билдирди, шунда ушбу стихга кўра христиан динига эътиқод қилувчи шахс таклиф соҳибига албатта қабул қилдим, агарчи бу нарса сен таклиф қилаётган саёҳат давомийлиги, масофаси ва мушкулотидан ҳам қийинроқ бўлса ҳам доирасида бўлади.

-истовчи ва сўровчига ҳимматли бўлиш- саҳийлик, саҳоватпешалик бу нафақат дин тимсолида балки миллат тимсолида амалга ошириладиган бир қавмий ва умумбашарий фаолият ҳисобланади. Милоднинг бошларида юзага келган ушбу христианлик динининг ҳам пойдеворида ўз соҳиб ва соҳибалари учун ҳиммат масаласи айтиб ўтилганлигини кўряпмиз. Матто назарияси ҳимматли бўлиш каби умум фазилатни диний бағрикенглик ва душманга муносабат рукнида бериб ўтган экан. Демак, бу христианлик эътиқод қилувчисининг ислом ва бошқа дин вакилларига кўрсатиши керак бўлган талаби ҳамдир.

Ушбу стих Луқо стихлари назариясидан ҳам жой олган бўлиб унда бироз фарқлидир. Мисол учун 6:27-35 “Ғанимларни севинг” бобида бу таъкидларда бироз фарқлар мавжуд. Шарҳлар асосан 5 китобдан иборат.

Holman Christian Standard Bible⁶⁶

King James Bible⁶⁷

New American Standard Bible⁶⁸

⁶⁶ <http://biblehub.com/hcsb/matthew/5.htm>

⁶⁷ <http://biblehub.com/kjv/matthew/5.htm>

⁶⁸ <http://biblehub.com/niv/luke/6.htm>

English Standard Version

New International Version

Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, христиан дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли турли халқлар минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди. Шу нуқтаи назардан қараганда, одамларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, экстремистлар ва террорчилар томонидан ислом байроғи остида содир этилаётган жиноятлар уларнинг асл қиёфасини намоён этмоқда, дейиш мумкин. Айни пайтда, бундай жараёнлар кишиларни доимий огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний қадриятларни уларнинг сохта ва ғаразли талқинларидан фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундайди.

2.3. Буддавийлик динида бағрикенглик масаласининг талқини

Мавзу доирасидаги манбалар нафақат Шарқда, аксинча Ғарб ва Америка олимларининг ҳам бу борадаги олиб бораётган изчил изланишлар мавжудлигини кўрсатади. Биргина буддавийлик динининг ўзи ва унинг доирасида бағрикенглик мавзуси бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам назарий ҳам амалий мисоллар орқали бир неча дунё диншунос олимлари тарафидан очиб ва исботлаб берилишига бўлган уринишларни кўрамыз.

Аввалги асрларда бошланган бу каби изланишлар бугун том маънода улкан ҳаракат майдонига айланди. Араб ва Шарқ олимлари бизнинг тасаввуримиз бобида фалакиёт, илоҳиётшунослик ва диний қарашлар мавзуларида етакчи бўлганлари каби бугун дунё бўйлаб бошқа минтақа ва ғайри мусулмон илм

эгаларининг ҳам бу турдаги фаолиятлари маълум маънода эътирофга сазовор бўлаётгани сир эмас. Жумладан, дунё динлари деб саналган христианлик, буддавийлик ва ислом ҳақида ҳам катта-катта изланишлар мавжуд. Ушбу китоблардан бир нечасини электрон шаклда варақлар эканмиз, бу турдаги китоблар, манбалар ўнлаб ва ҳатто айрим мавзулаштирилган маҳаллий диний ва дунё динлари ҳақидаги юзлаб маълумотларга кўзимиз тушиши шубҳасиздир. Шулардан юқоридаги мисолларни давоми ўлароқ, XX асрда нашр этилган дунё динлари ва улардаги бағрикенглик мавзусига оид бир неча китобларни санаб ўтишимиз мумкин бўлади:

Томас Банкофнинг “Демократия ва янги диний хилма-хиллик” (Democracy and the New Religious Pluralism) китоби, Жосе М. Вигилнинг “Диний хилма-хиллик теологияси” (Theology of Religious Pluralism) Пратап Кумарнинг “Диаспорадаги диний ранг-баранглик” (Religious Pluralism in Diaspora) китоби, Перез Загориннинг “Ғарбга диний бағрикенглик ғояси қандай келган?” (How the idea of Religious Toleration Came to the West?) китоби, Елизабет Солеман ва Кевин Вайтларнинг “Диний бағрикенглик, таълим ва ўқув курси” (Religious Tolerance, Education and the Curriculum) китоблари ва бошқалар.

Шу билан бир қаторда диний мавзуга оид бўлган бир неча электрон сайтларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мисол учун, толерансе (бағрикенглик), религион (дин) каби атамали сайтлар айнан узатилаётган мавзуларнинг ғояси нима эканлигини биргина номлари орқали ифодалаб қўяди ва шу номдаги бир қанча сайтлар ҳам мавжуддир.

Толерансе атамаси гарчи умуммаънода бир хилликни бағрикенглик маъносини берсада, лекин бу борадаги қанчалар бағрикенг бўлиш керак каби диний қарашлар фарқли эканлиги ва атама борасида ҳам таърифлар христианлик ва буддавийлик динларида турлича эканлигини айта оламиз.

Асосан буддавийлик динида толерантлик-бағрикенглик тамойили унинг муқаддас китоби Трипитакада битилган деб қаралсада, аммо бу борадаги амалий муносабатлар диний ва ҳукмдор шахслар томонидан ташаббусли тус олганини шохиди бўламиз. Буддавийлик динининг етакчиларидан саналган император Ашоканинг ҳукмдорлик вақти ва у қолдирган қўлёзма битиклар буддавийлик динида диний бағрикенглик ва хилма-хиллик қанчалар юзага келганлигини айтади.

Маълумки, Ашока Маурийлар империясининг (милоддан аввалги 273 ва 232 йиллар оралиғида) бошлиғи бўлган. Унинг империяси жанубий Осиёнинг улкан қисми бўлмиш ҳозирги Афғонистондан Бенгалиягача (жанубий Осиёнинг шимоли-шарқий қисми), жанубда эса Майсургача бўлган ҳудудни ўз ичига олган. Ашока буддизм ҳомийси ҳисобланади. Чунки ушбу дин тарқалиши унингга кўмаги билан боғлиқ деб қаралади. Шу боис ундан талайгина ёдгорликлар ҳинд аҳлига мерос бўлиб қолган. Улар ичида диншунослик фани учун ас қотиши мумкин бўлган бир қанча диний битиклар ҳам мавжуд.

Ашока давридан қолган битиклар асосан шимолий Ҳиндистон ҳудудида торилган. Мавжуд битиклар тўплами ҳинд тилида дхамма деб номланади. Ашока ҳукмронлик қилган ер тахти эса Маурия деб аталади. Шунингдек дхамма ўша вақтда Ашока ҳукмдорлигини амалга оширишда у учун қонун китобидек қаралиб Маурия бошқаруви ушбу ёзилган битикларга ҳам диний ҳам ҳарбий ҳолатларда таяниб иш кўрган. Ёзувли битиклар ҳозирги кунимиздагидек қоғоз ёки ўрта асрлардагидек ҳайвон терисига битилмаган, аксинча катта устунларга ўйиб ёзилган. Устунлар сони ҳақида турли фикрлар кўр, аммо улардан 19 таси ёзувли ҳолатда сақланган⁶⁹. Топилган ёзувли устунларни ўрганган археологлар ушбу ёзувлар кейинчалик ўғитлар ва яқунда битиклар

⁶⁹ <http://smarthistory.khanacademy.org/the-pillars-of-ashoka.html>

номини олган. Сабаби, кейинчалик аниқланган империя ҳақидаги маълумотлар шуни тақозо этди. Мавжуд ёзувлардан ташқари топилмаларда ҳайвонларнинг ҳам акси чизилганлиги ҳақида маълум далиллар аниқланган. Устунларнинг вазнига келсак, уларнинг бўйи 40 ва ҳатто 50 фут (12-15 метр)гача етган бўлса, ҳар бирининг оғирлиги 50 тоннани ташкил этади. Уларни барпо этишда шубҳасиз катта куч сарф этилган.

Юқорида таъкидланганидек, Ашока битиклари империя бошқарувининг асоси бўлиб хизмат қилиши билан бирга, улар буддавийлик дини ва унинг туркумидаги айрим маълумотларни аниқлаш учун диний манба сифатида ҳам қадрлидир. Мисол учун турли буддавийлик маросимлари, бошқа динлар билан алоқалар ҳам ушбу ёзилмаларда акс этган. Ашока битиклари қоя ва устунлардаги жами 33 та ёзувлар ва мактублар тўплами бўлиб тоғ қоялари, ғорлар устунларига битилган. ушбу қолдиқлар бугунги Бангладеш, Ҳиндистон, Непал, ва Покистон ерлари узра ёйилган бўлиб буддузм дининг тамал тоши ҳисобланади.⁷⁰

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, битиклар Ашоканинг мавжуд ижтимоий ва диний муаммоларга бўлган муносабатининг намунаси ҳамдир. Маълумотларга кўра, буддизм ўша вақтда ўз равнақи бўйича Ўрта ер денгизи сарҳадигача етиб борган, шунингдек кўпгина қоя тоғлар ҳам бунга гувоҳдир. Дин доирасида бир қанча мавзули масалалар билан бирга буддавийлик дини қандай қилиб бошқа динларга нисбатан ўз муносабатини ҳам ижтимоий ҳам давлат миқёсида кўрсата олиши ҳақида император тарафидан ана ўша битикларда ёзиб қолдирган.

Ашоканинг бошқа динларга муносабати қуйидаги манбалар асосида деб қаралади:

⁷⁰ <http://www.cs.colostate.edu/~malaiya/ashoka.html>

1) **асосий қоя битиклар:** улар 14 та битиклар бўлиб, ярми Одисса еридан топилган;

2) **кичик қоя ёзмалар:** улар кичик қоя битиклар, қиролича битиги, барабар номли ғор ёзувлари ва қандаҳор кўп-тилли ёзмаси;

3) **устундаги битиклар:** улар етти битиклардир.

Кўпгина тарихчи олимлар унинг диндор подшоҳ бўлганлигини таъкидлайдилар ва бағрикенглик тамойили буддавийлик динида асосан Ашока ҳомийлигида бино қилинган битикларнинг қуйидаги исботлари билан изоҳланади:

“Барча динлар ҳамма ерда яшаши даркор, уларнинг барчаси учун ягона истак ўз-ўзини бошқариш ва қалб софлигидир.” Дхаммика, 7- қоя битиги ⁷¹.

Ушбу битик дастлабки катта битиклардан бири ҳисобланади. Айнан бу ердаги барча динларнинг барча ерга дахлдор деб қаралиши ўз вақтида Ашоканинг мавжуд бошқа диний қарашлар ҳам у ҳукмронлик қилган империя сарҳадида яшашига ҳеч бир тўсиқ йўқ бўлганлигини ифодасидир. Гарчи милoddан аввалги 200 йилларда христианлик ва ислом дининг номлари кўринмасда, аммо келгуси диний қарашларда бу нарсага – бағрикенгликка ҳеч монелик бўлмаслиги шарт қилиб белгилангандай туюлади. Битикнинг давоми эса бизга ҳар қандай дин бўлишидан қатъи назар у дин эътиқод қилувчиси учун Ашока икки талаб: ўз-ўзини бошқариш ва қалб софлигини таъкидлаб ўтади. Ана ўша ўз-ўзини бошқара олиш қобилияти кўргина бесабаб сен-менга бориш каби диний иллатларнинг тўсиғи бўлиб хизмат қилади десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Эҳтимол орадан шунча вақт ўтиб бугунги буддавийлик эътиқод қилувчилари мусулмон ва христиан дин эгаларига нисбатан ушбу

⁷¹ <http://www.katinkahesselink.net/tibet/asoka1.html>

хурмат билан яшашса не ажаб.

Кейинги битик эса бизга бошқа динларга муносабат Ашока тасаввурида қандай муносабатда бўлиши ва яхши ёки яхши эмаслиги ҳақида келади, мисол учун:

“(Бошқа динлар ўртасида) муносабат қилишлик яхшидир. Инсон бошқалар асос солган таълимотларни тинглаши ва ҳурматлаши даркор... .” Дхаммика, 12-қоя битиги.

Бу ерда таълимот дейилиши бу Ашока тасаввурида диний мазмунни ўз ичига олган руҳоний китоб деб англашилса керак. Сабаби, ҳурматлаш учун улар наздида ўз диний китоблари миқёсидаги тушунча бу улар тарафидан акс этган диний битиклар мазмунини беради. Шу боис ўша давр етакчиси ўз ташаббусини ана ўша битикларга қаратиш билан бирга уларни ҳам эъзозлаш ва қолаверса диний даражага кўтариш керак деб ифодалаган бўлса керак.

Кўшимча тарзда шуни айтиш мумкинки, маълум диндор шахслардан “Барча динлар бир хил нарсани ўргатмайдими? уларни бир хил деб ҳисоблаш мумкинми? деб сўров ўтказилганида улардан бири Далаи Лама шундай дейди: Турли анъана соҳиблари ўзгаришдан кўра ўзликларини сақлашлари лозим. Шунга қарамасдан, мисол учун, баъзи тибетликлар исломни афзал кўришлари мумкин ва унга эргашадилар. Бошқа биров христианликни ёки буддавийликни афзал кўради ва унга эргашади, аммо эҳтиёткорлик билан ўйлаб кўрилса бу кўнгил истаги учун эмас... . Мисол учун менинг дўстларим кўп аммо ҳар бири учун ўз динига ишончи бор, ишонч эса ягона. Мен бошқа диндаги дўстларимни ҳурмат қиламан. Менимча динларни бирлаштиришнинг имкони йўқ.” Бу каби қарашлар бошқа динга бўлган ҳурматни билдирибгина қолмай, ҳар бир инсоннинг ўз ишончи борлигини ҳам уқтиради.

Буддавийлик динининг асосий китоби Трипитака 3 қисмдан иборат ва

дастлабки қисми Сутта Питтакада кўпгина ўғитлар ёзиб қолдирилган. Сутта Питтака 5 бўлимдан иборат:

1. [Digha Nikaya](#) Дигха Никайа
2. [Majjhima Nikaya](#) Мажҳима Никайа
3. [Samyutta Nikaya](#) Самйутта Никайа
4. [Anguttara Nikaya](#) Ангутта Никайа
5. [Khuddaka Nikaya](#), Кхуддака Никайа

Ушбу 5 боб турли 10 суттал (ўғитлар)арни ўз ичига олади. Тўртинчи боб Ангутта Никайа “тартиблаштирилган нутқ, рақамланган нутқ” маъноларини беради ва унда қимматли ўғитлар ўз ичига талайгина мавзуга доир панд-насиҳатларни қамраб олиш билан бирга уларда ота-онага ҳурмат, ака-ука муносабати, қариндошлар билан алоқа масалалари ва хатто бағрикенгликка доир жузий ўғитлар ҳам кўринади.

Кейинчалик Ашока ушбу ўғитлардан таъсирланиб ўзи ҳам кўпгина битикларни қолдириш билан бирга у сутталарга- пандларга ҳурмат билан қарайди. Ашоканинг сутталардан таъсирланиши кейинчалик унинг бағриенглик ва меҳр оқибатга оид қуйидаги битиклари билан намоён бўлади:

“Инсонлар билан яхши муомалада бўлиш яхши кайфият улашадиган маросимлардан муҳимроқ. Чунки, бу нарса мурруватли бағрикенгликка ва дастлабки ҳурматга кўмакдир.” Ашоканинг битикларида асосан сутталардан илҳомланиш ётади ва бу илҳомланиш Трипитакадан кўра кўпроқ Ашоканинг шахсий битиклари тимсолига кўчган. Ангутта Никайа сутталаридаги бағрикенглик яна инсонларда бўлиши керак бўлган қуйидаги хусусиятларни талаб этади ва ушбу талаблар императорнинг ҳам халқи олдидаги талаби бўлганини ифодалайди:

мулойимли бўлиш (daya),
 ўз-ўзини бахолаш (palikhaya),
 ишончли бўлиш (sace),
 муносабатли бўлиш (katamnata),
 қалб софлиги (bhava sudhi),
 ғайратли бўлиш (usahena),
 кучли садоқат (dadha bhatita),
 ўз-ўзини назорат (sayame)
 Дхамма қонунларига ҳурмат (Dhamma kamata)⁷²

Моҳиятан инсон камолотига, жамиятдаги маънавий-ахлоқий соғломликка хизмат қилиш керак бўлган диний таълимот ва унинг ҳукмларидан тор гуруҳий манфаат ва сиёсий ғараз йўлида, бир восита сифатида фойдаланилганда у халқнинг тинчлиги ва осойишталигига, юрт ободлиги ва равнақига раҳна солинишига замин яратади.

Бағрикенглик ўз қарашлари ва қадриятларидан воз кечишни, у ёки бу ўзига хосликларга ён бериш ёки уларга бефарқликни эмас, балки воқеликка нисбатан фаол муносабатни, инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олишни ҳамда унинг тантанаси учун кўмаклашишдек амалий фаолиятни ҳам англатади.

Ислом, христианлик ёки буддавийлик, динлардан қай бирига мансуб бўлишидан қатъи назар, инсон деярли бир хил ҳис-туйғуларни бошидан кечиради. Динлар феноменологияси ва психологияси каби фанлар масаланинг шу томонларини ўрганади. Ахлоқ – этик тизимларни ўрганиш ҳам динлардаги умумий, ўхшаш жиҳатларни очиб беради. Буддавийларнинг 5 та, қадимги Аҳднинг 10 та ва исломнинг асосий ўғитларидаги ўхшашликни келтириш

⁷² <http://www.cs.colostate.edu/~malaiya/ashoka.html>

кифоя. Демак, динларнинг барчаси учун бир бўлган мутлақ моҳиятига кирмоқ даркор ва шу асосда диний ҳаёт феномен (ҳодиса)ларини талқин қилмоқ керак. Бу, ўз навбатида, бағрикенглик руҳидаги ёндашувни талаб қилади.

Дин байроғи остида фаолият кўрсатаётган айрим ҳаракатлар ва уларнинг таълимотини инобатга олмаганда, аслида барча динларда эзгулик ғоялари устувор бўлиб келган. «Яхшилик қил, ёмонлик қилма» демаган бирорта диний таълимот йўқ. Шундай экан, барча динларни, ҳатто энг қадимгиларини ҳам бағрикенглик руҳида ўрганмоқ зарур.

ХУЛОСА

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан, диний бағрикенгликнинг халқимиз ўтмиши, ҳозирги ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини илмий жиҳатдан очиб бериш долзарб мавзудир.

Глобаллашув шароитида турли динлардан иборат миллат вакиллари истиқомат қилувчи жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, бағрикенглик тушунчасининг мазмун моҳиятини очиб бериш, унинг Ўзбекистон мисолида кўринишлари ҳамда жаҳон динларининг асл манбалари асосида холислик нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек халқининг ўзига хос этник, маданий, диний хайрихоҳлик ва очиқ кўнгиллилик каби фазилатлари унинг бутун тарихи давомида шаклланган. Зеро, миллатлараро ўзаро муносабатларнинг ҳолати, сиёсий иқлим ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият кўп жиҳатдан мана шу муносабатларга боғлиқдир. Мустақил миллий давлат тузишда унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Лекин миллий давлат кўпинча бир миллат вакилларидан иборат бўлмайди. Ҳозирги замонда кўпчилик давлатлар кўп миллат ва конфессиялар, диний гуруҳлардан таркиб топган. Шу маънода миллий хавфсизликни таъминлашда миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар уйғунлиги катта аҳамиятга эга. Бу масалада толерантлик принципи бажарилиши фоят муҳимдир.

Бағрикенглик, тоқатлилик ўзаро фарқни тушуниш ва ўзгаларга нисбатан зўрликдан воз кечишни англатади. Бағрикенгликнинг мазмуни ва чегараси маданий анъаналар, жамиятдаги шарт-шароитлар ва бошқа кўплаб омилларга кўра фарқланади. Тоқатлилик эса, бу, ҳамма нарсага йўл қўйиш, ҳар нарсани кечириш эмас, балки фаол ҳаракатни, айниқса, тоқатсизликнинг турли шаклларига нисбатан бўладиган фаолликни англатади. Шундай қилиб, бағрикенглик бу муайян шахсий ва ижтимоий қадриятлар ва хулқ-атвор меъёрларини амалга оширишга қаратилган доимий интилишдир.

Жаҳонда юз бераётган, бир томондан, этник ва диний низолар, иккинчи томондан ислом ва мусулмонларга нисбатан адоват (исламофобия), табиийки, ижтимоий-иқтисодий номутаносибликка олиб келади, тинч тараққиёт жараёнини издан чиқаради, инсоният хавфсизлиги ва халқаро барқарорликка таҳдид солади. Афғонистон, Чеченистон, Покистон, Фаластин, Исроил ва бошқа давлатлардаги низоли вазиятлар шулар жумласидандир. Афсуски, ғарбда баъзи кўзга кўринган сиёсий арбоблар ҳам «Европа ва мусулмон маданиятларининг ўзаро ҳеч қачон чиқиша олмаслиги» ҳақидаги тезисни қўллаб-қувватлайдилар. Халқаро ҳамжиҳатлик йўлида ҳар бир инсон, жамоа ва миллатлар башариятнинг турли-туман маданиятлардан иборат эканини англаши ва ҳурмат қилиши жуда муҳимдир. Бағрикенгликсиз демократия асослари ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаб бўлмайди. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик ҳам бўлмайди.

“Тинчлик ва уйғунликда баҳамжиҳат яшашни ўрганиш” турфа хил маданиятлардан таркиб топган жамиятлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ҳам ана шундай турфа хил маданиятларга эга бўлган жамиятлардан биридир. Шундай экан, Ўзбекистоннинг келажаги тинчлик ва бағрикенглик, маданиятлараро уйғунлик ва миллатлараро тотувлик каби омиллар билан

чамбарчас боғлиқдир. Турли-туман маданият вакиллари ёнма-ён истиқомат қиладиган турфахил маданиятли жамиятда яшаш жуда сермазмун ва серқиррадир. Ушбу жамиятнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш турли маданиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг уйғунлигига боғлиқдир.

Дунёда яшаётган кўп сонли халқлар турли динлар ва ақидаларга: насронийлик, яҳудийлик, буддавийлик, ҳиндуийлик, бутпарастлик ва мажусийлик кабиларга мансубдирлар. Бу дунёда ҳар бир мусулмон уларни қайси динга мансублигидан қатъий назар, барча одамларга ҳурмат, муроса, авф ва адолат, муҳаббат ва раҳм–шавқат кўрсатишга Аллоҳ ҳузурида масъулдирлар.

Қуръоннинг талабларига кўра, аҳли китоблар ибодат қиладиган жойлар, яъни монастирлар (Роҳиблар узлатга чекинган ибодатхона) ва синагогалар (яҳудий ибодатхонаси) Аллоҳ таоло ҳимоясидадир. Шу жиҳатдан ҳам ислом динида бағрикенглик тамойили муҳим ўрин тутди.

Қуръонга кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар тушунувчилар учун Худонинг мўъжизаларидандир. Миллий ва диний ранг-баранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалаларида Қуръон тўлиғича бағрикенглик руҳи билан суғорилган. Дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзотни бир уммат қилиб яратган, сўнгра уларни турли қабила, халқ ва динларга ажратишни ирода қилди. Бундай ранг-барангликдан мақсад – умумий фаровонлик йўлида инсонлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари даркор. Бошқа жамоалар билан ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш учун мусулмонлар улар билан, айниқса, китоб аҳли – яҳудийлар ва насронийлар билан мулоқот қилмоқлари лозим.

Барча муқаддас манбаларда бу олам барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин деб эълон қилинган. Душман тинчлик – сулҳни таклиф қилса, уни қабул қилиш керак. Динларнинг турли-туманлиги Яратган

томонидан ўрнатилган экан, уни бекор қилиш ёки ҳаммани бир дин байроғи остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмас, диний эътиқод масаласида зўравонлик тамойили асло мумкин эмаслиги айтилган.

Ҳақиқий эътиқод ички имондан келиб чиқади. Шундай экан, уни зўрлик билан ўрнатиб бўлмайди. «Динда зўрлаш йўқ» оятини, инсонга танлаш ихтиёри берилган ва бунинг учун унинг ўзи жавоб беради, деган маънода тушуниш ҳам мумкин. Бундан ташқари, қиёматда эътиқод масаласидаги баҳсларни Аллоҳнинг Ўзи ҳал қилади. Унгача эса инсонлар фақат хайрли ишларда ўзаро мусобақалашмоқлари керак. Эътиқод масаласида монополия бўлиши мумкин эмас. Умуман олганда, Қуръони каримнинг 50 дан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилганлар.

Муҳаммад (с.а.в.) ҳам ҳеч кимни исломга киришга мажбур қилмаганлар, бирон марта у ёки бу ҳарбий ҳаракат диний эътиқод туфайли бўлмаган. Пайғамбар олиб борган ҳарбий тадбирларнинг барчаси беистисно соф мудофаа мақсадларига хизмат қилган. Бадр, Уҳуд ва ҳандақ жанглирида маккалик мушриклар ҳужумкор, мадиналик мусулмонлар эса, аксинча, мудофаа мавқеида бўлганлар. 630–632-йиллардаги ғазотлар ҳам асосан мудофаа жанглари ёки шартнома бузилгани сабабли содир бўлган.

Ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирини тўлдирса, баъзан бир-бирига зид келади. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун хизмат қилади. Диний бағрикенглик тўла ижтимоий тенг ҳуқуқлик, миллати ва келиб чиқишидан қатъи назар инсон эркинлигига нисбатан зўрликни қораловчи қараш ва муносабатларда яққол намоён бўлади.

Миллати ва диний қарашидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга хурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғулар Ўрта Осиё халқларининг юксак фазилатларидир. Айнан шу сифатлар халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент.:Ўзбекистон, 2003. –50 б.
2. Бағрикенглик тамойиллари декларацияси. // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. -Тошкент.: Адолат, 2004. –50 б.
- 3.ЮНЕСКОнинг Маданий турли-туманлик тўғрисидаги Умумжаҳон Декларацияси. // ЮНЕСКО Халқаро меъёрий ҳужжатлари. -Тошкент.:Адолат, 2004. –227 б.
4. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент.:Маънавият, 2008. –176 б.
5. Каримов И.А. «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» халқаро анжумани иштирокчиларига табрик. 2000 йил сентябрь. // Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. -Тошкент.: Тошкент ислом университети, 2001. –222 б.
6. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Тошкент.:Ўзбекистон, 1998. –168 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент.: Ўзбекистон, 1997. –142 б.
8. John Hick. The Possibility of Religious Pluralism: A Reply To Gavin D'Costa. - England:Cambridge University Press, 1997. - 200 p.
9. Elizabeth Burns Coleman, Kevin White. Religious Tolerance, Education and The Curriculum. -Rotterdam/Boston/Taipei:Sense Publishers, 2011. -163 p.
10. Paul L.Heck. Common Ground Islam, Christianity and Religious Pluralism. - Washington D.C.: Georgetown University Press, 2009. -251 p.

11. Thomas Banchoff. Democracy and the New Religious Pluralism. - England:Oxford University Press, 2009. -345 p.
12. P.Pratap Kumar. Religious Pluralism in the Diaspora -Leiden/Boston: Brill, 2006. -390 p.
13. Perez Zagorin. How the Idea of Religious Toleration Came to the West. -USA: Princeton University Press, 2003. -389 p.
14. José M. Vigil. Theology of religious pluralism. -Berlin:LIT Verlag, 2008. - 337 p.
15. Гаджиев К.С. Введение в геополитику. -Москва.:ЛОГОС, 2000. – 432 с.
16. Глобализация и моделирование социальной динамики. -Москва.: Институт социальных наук, 2001. – 237 с.
17. Крылова И.А. Проблема безопасности России в контексте глобализации. -Москва.:Институт философии РАН, 2001. – 94 с.
18. Иванова .М. Геогенезис: философия и методология геоэкономики и геофинансов. Научный альманах высоких гуманитарных технологий. - Москва.:НАВИГУТ, 2003. – 250 с.
19. Л.Л.Рыбаковский. Практическая демография. -Москва.:ЦСП, 2005. – 164 с.
20. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса. (Очерки теории и методов исследования). -Москва:УФН, 2000. – 164
21. Абу Райхан Беруни. Индия // Беруни. Избранные произведения. В 6 тт. Т. 2. -Ташкент.: 1963. – 68 с.
22. Дози Р. Исламское вероучение и богопочитание. // В кн. Крымский А.Е. История мусульманства. -Москва.: 2003 репринт 1904 г. – 271 с.
23. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. -Москва.:

Высшая школа, 1998. – 65 б.

24. Соловьев В.С. Магомет: его жизнь и религиозное учение. -Москва.: СПб., 1902. – 78 с.

25. Пиотровский М.Б. Коранические сказания. -Москва.:Наука, 1991. -23 с. Культура, культурология и образование (материалы круглого стола). Выступление В.А. Лекторского // Вопросы философии. 1997. № 2. – 4 с.

26. Кароматов Х.С. Основные направления национальной политики независимого Узбекистана // Межнациональное согласие – гарантия стабильности. -Ташкент.:1999. – 151 с.– 219 с.

27. Лебедева Н.М. Теоретико-методологические основы изучения этнической идентичности и толерантности в поликультурных регионах России и СНГ // Толерантность и идентичность: Сб. статей. -Москва.: 2002. – 26 с.

28. Мансуров А.Д. Государственная политика Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений и религии // Межнациональное согласие – гарантия стабильности. -Тошкент.:1999. – 139 с.

29. Роланд Пич. Понятие толерантности и его значение в политологии и сравнительном религиоведении. // Материалы международной конференции «Межрелигиозное согласие важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан)». -Москва.: 2002. – 44 с.

30. Тхагапсоев Х.Г. О новой парадигме образования // Москва.:Педагогика. 1999. № 1. – 109 с.

31. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. -Тошкент.:Тошкент ислом университети, 2004.

32. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. -Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003. – 49 б.

33. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Тошкент.: Ўзбекистон, 2004. – 92 б.
34. Очилдиев А. Бағрикенглик — барқарорлик ва тараққиёт омили. - Тошкент.: Тошкент ислом университети. 2007. – 137 б.
35. Диншуносликнинг долзарб муаммолари. -Тошкент.:Тошкент ислом университети, 2011.
36. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Тошкент.: Ўзбекистон, 2000. – 61 б.
37. Минаваров Ш. Дин ва давлат муносабатлари масаласи. // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. -Тошкент.:2001. – 77 б.
38. Нуритдинов Ҳ. Ўзбекистондаги диний ташкилотлар: маълумотнома. - Тошкент.: 1997.
39. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Тошкент.: Адолат, 2001.
40. Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (Монография). - Тошкент.: Тошкент ислом университети, 2006. – 140 б.

Интернет сайтлари:

<http://www.cs.colostate.edu/~malaiya/ashoka.html>
<http://www.katinkahesselink.net/tibet/asoka1.html>
<http://www.cs.colostate.edu/~malaiya/ashoka.html>
<http://smarthistory.khanacademy.org/the-pillars-of-ashoka.html>